

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАСИНИ БОШҚАРИШДА ТРАНСАКЦИОН ҲАРАЖАТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИГА ТАЪСИРИ

**Феруза Оспанова**

*Қорақалпоқ давлат университети мустақил тадқиқотчиси*

**Аннотация:** Мақолада трансакцион ҳаражатлар бозор шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳаражатлар сифатида кўриб чиқилади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида трансакцион ҳаражатларининг асосий турларини таҳлил қилиш ва пасайтириш йўллари ўрганилган.

Трансакцион ҳаражатлар назарияси замонавий иқтисодиёт фанидаги янги йўналиш - неоинституционализмнинг таркибий қисмидир. Унинг яратилиши биринчи галда икки иқтисодчи олим - Рональд Коуза ва Оливер Уильямсон номлари билан боғлиқ. Трансакцион ҳаражатлар назариясида дастлабки таҳлил ўлчами сифатида иқтисодий ўзаро ҳаражатлар, айирбошлаш ёки трансакция ётади. “Айирбошлаш” категорияси жуда кенг талқин қилинади ва у товарлар айирбошлаш билан биргаликда юридик мажбуриятларни ҳамда қисқа ва узоқ муддатли мажбуриятларни ўз ичига олади. Бу мажбуриятлар юридик ҳужжатлар ёки томонларнинг ўзаро оғзаки келишувини ифодалайди.

Ана шу каби алоқалардаги ҳаражатлар ва йўқотишлар трансакцион ҳаражатлар, деган номни олди.

Трансакцион ҳаражатлар неоинституционализм таҳлилининг марказий категорияси ҳисобланади. Бундан фарқли ўлароқ неоклассик назария бозорни мукамал механизм, деб қараб, айирбошлашни амалга ошириш учун ҳеч қандай ҳаражатларни ҳисобга олиш зарур эмас, деб уқтирарди. Трансакцион ҳаражатлар ҳақидаги дастлабки тушунча 1937 йилда Рональд Коузанинг «Корхонанинг табиати» номли мақоласида ёритилган. Р. Коуза бу мақоласида ҳар бир олди-сотдида дастлабки музакаралар олиб бориш, назорат қилиш, алоқаларни кузатиш ва келишмовчиликни бартараф этиш зарурлигини исботлайди.

Шу туфайли илк бор трансакцион ҳаражатларни бозор «механизмдан фойдаланиш» ҳаражатлари деб айтади. Кейинчалик у ҳаражатларни иқтисодий агентлар бозордами, ташкилот ичкарасидами ундан қатъий назар, улар орасидаги алоқаларни амалга ошириш учун керак бўлган ҳаражатлар, деб эътироф этди. Демак, трансакцион ҳаражатларнинг вужудга келиши бозор ҳақида ахборот тўллаш ва уни қайта ишлаш, музокаралар олиб бориш, қарорлар қабул қилиш, тузилган шартнома ва контрактлар бажарилишини ва ижросини таъминлаш учун кетадиган сарф-ҳаражатлардир.

Бизнес фаолиятида юз бераётган туб ўзгаришлар замонавий корхонанинг рақобатбардош устуворлигини белгилаш мезонларини ўзгаришига олиб

келмоқда. Ҳозирги даврда қиймат яратиш жараёни ишлаб чиқариш соҳасидан ахборот-коммуникация соҳасига кўчмоқда ва бунда ахборотга етакчи ўрин ажратилмоқда.

Замонавий корхоналарнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш масаласи трансакцион ҳаражатларни самарали бошқариш билан ифодаланади.

Замонавий компаниялар фаолияти ташқи муҳитнинг тўхтовсиз ўзгариши шароитида юз беради. Бу эса, ўз навбатида, корхоналарнинг анъанавий ташкилий шакллари қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

“Трансакция” ибораси илмий доирага илк бор Ж.Коммонс томонидан киритилган. Трансакция унинг талқинида товарлар айирбошлаш эмас, балки жамият томонидан яратилган ҳуқуқ ва эркинликлар ўзгаришидир. У уч хил трансакция мавжудлигини таъкидлади:

1. Олди-сотди трансакциявий ҳуқуқ ва эркинликлар субъекти ўзгариши бўлиб, уни амалга оширишда томонларнинг розилиги ва иқтисодий манфаатдорлиги бўлмоғи лозим.

2. Бошқарув трансакцияси унда асосий элемент бўлиб, инсонлар бошқарув фаолиятида бир-бирига итоаткорлигини (юқори босқичдаги раҳбар қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга) англатади;

3. Муқобиллик трансакцияси унда томонларнинг бир хил ҳуқуқи асимметрияси сақланади, бошқарув функциясини жамоа бажаради. Бундай муқобиллик трансакцияга бошқарув директорлар томонидан компания бюджетини тузиш, арбитраж суд томонидан хўжалик субъектларининг низолар ечими бўйича қарорлар ишлаб чиқиш. Бундай трансакцияларда бошқарув қарорлари қабул қилинмайди. Улар орқали иқтисодий агентлар орасида бойлик қайта тақсимланади. Трансакциялар оддий ва мураккаб бўлиши мумкин. Масалан, бозорда олма сотиб олиш оддий трансакция бўлади. Мураккаб ва мажбурияти юқори бўлган трансакциялар шартнома

Дж. Уоллес ва Д. Нортлар АҚШ иқтисодётида трансакцион сектор улуши ортиши асосида ётган 3 омилни фарқлайдилар: «Бизнинг нуқтаи назаримизда трансакцион сектор 3 асосий сабаб туфайли ўсган: ихтисослашиш ва меҳнат тақсимоти чуқурлашуви; корхоналар хажмининг ўсиши билан кузатилган саноат ва транспортда техника тараққиёти; ҳукуматнинг хусусий сектор билан ўзаро боғлиқликдаги ролининг кучайиши:

1. Таснифлаш ва шартномаларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳаражатларининг аҳамияти, бозор кенгайиши ва урбанизация жараёни кучайгани сари, ошиб боради. Бир-бирини яхши биладиган контрагентлар ўртасидаги шахсий алмашинув ўрнига битим шартларини атрофлича аниқлаш ва ҳуқуқий ҳимоянинг ривожлантирилган механизмини талаб қиладиган, шахсий ҳарактерга эга бўлмаган алмашув келди. Трансакцион ҳаражатлар улуши даражасининг қисқариши, XIX аср ўрталарида аҳоли урбанизацияси ва бозорни кенгайиши учун замин тайёрлаган темир йўллар тармоғини ривожлантириш

муносабати билан бошланди. Товарларнинг ўта турли-туманлиги ва шахсий алоқалар заифлашиши оқибатида иқтисодий агентларнинг бозор тўғрисида ахборот қидириш ва уларни қайта ишлашга ҳаражатлари кучайди.

2. Ишлаб чиқаришда капитал сиғими юқори технологиялардан фойдаланиш хом ашё ва материаллар тайёрлаш ҳамда сотишнинг йўлга қўйилган тизимини талаб қиладиган даражада катта бўлгандагина ўзини оқлайди.

Ҳаражатлар камайиши ва ташиш тезлиги ошиши йирик ташкилотларга ўсиш имкониятини яратади. Шу туфайли трансформацияларнинг катта оқими нафақат бозор орқали, балки бевосита корхона ичида ҳам амалга оширила бошланди.

3. Мулк ҳуқуқини қайта тақсимлаш мақсадида сиёсий ҳокимият органларига босим ўтказиш бўйича ҳаражатларни камайтириш юз беради. Айнан шу жараён иқтисодиётда давлат аралашуви бевосита ортишини белгилайди. (хусусан, Дж. Уоллис ва Д. Нортлар таъкидлайдики, АҚШ конгресси қонунчилик комиссиясининг аҳамияти ва ижро ҳокимияти ваколатларининг ўсиши). Давлат аралашуви фаоллашишининг ортиши натижасида иқтисодиёт бажараётган юмушлар ва унинг юки беқиёс оғирлашди.

Юқори трансакцион ҳаражатлар турли омиллар, жумладан бюрократик процедуралар, лицензия ва рухсатномалар олишдаги қийинчиликлар, солиқ ставкаларининг юқорилиги ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг самарасизлиги барчаси одатда йирик компаниялар каби кўплаб молиявий ресурслари мавжуд бўлмаган кичик бизнес учун қўшимча тўсиқларни яратиши мумкин.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Коуз Р Фирма рынок и право-М..1993 г.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон фармони
3. Кузьминов. Я за пределами рынка: институты управления трансакциями в сложном мире Я.Кузьминов, М. Юдкеевич. Вопросы экономики 2010 №1
4. Сауханов Ж К Аграр тармоқда ташқи самараларни оптимал тартиблаштириш ва трансакция ҳаражатларини пасайтириш: муаммолар, усуллар ва моделлар. Монография –Т.: Lesson press 2022 й.